

Ишонч телефони регламенти

Мурожаатларни +998 (71) 259-21-37 рақамли Ишонч телефони орқали қабул қилиш

**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг
“Мурожаатларни +998 (71) 259-21-37 рақамли Ишонч телефони орқали
қабул қилиш”**

РЕГЛАМЕНТИ.

1. Хизматни ёритиш (паспорт).

1.1. Хизмат номланиши.

Мурожаатларни +998 (71) 259-21-37 рақамли “Ишонч телефони” орқали қабул қилиш.

1.2. Хизмат натижаси

Агентликка келиб тушган мурожаатларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда кўриб чиқилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, бу борада тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш.

1.3. Хизмат кўрсатиши органи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси.

1.4. Ҳуқуқий асос

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сонли Қонуни.

1.5. Хизматдан фойдаланувчи.

Ўзбекистон Республикасининг Жисмоний ва юридик шахслари ёки уларнинг қонуний вакиллари.

1.6. Ижро муддати

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқиб, мурожаат масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган Агентликга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичida, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш

муддатлари тегишли Агентлик раҳбари ва ўринбосари томонидан, истисно тариқасида асослантирилган билдириги орқали қўпи билан билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф Агентликга келиб тушган қундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

2. Хизмат олувчиларга маълумот бериш

2.1. Маълумот хажми ва таркиби:

Агентлик соҳавий хизматлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари, худудий бошқармалари ва идоравий мансуб тузилмалари кўриб чиқилган мурожаатлар бўйича якуний жавоб хатида мурожаатда келтирилган масаланинг ечими юзасидан аниқ маълумотлар баён этилади.

2.2. Батафсил маълумот бериш

Бир шахснинг айнан бир масала бўйича олдинги мурожаатига жавоб берилмаётганлиги ҳақидаги мурожаати агар уни қонунда белгиланган кўриб чиқиш муддати ўтмаган бўлса бу ҳақда муаллифга тушунтирилади.

2.3. Мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат бериш

Агентлик ходимлари томонидан мурожаат муаллифларига ҳуқуқий маслаҳат берилиши тақиқланади.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Мурожаатлар “Ишонч телефони” орқали туну кун узлуксиз қабул қилинади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Хизмат учун ундириладиган хақ.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш хизмати – бепул.

4.2. Рад этиш асослари

Муаллиф томонидан шахсига оид маълумотлар берилмаган тақдирда, унга Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Конунига асосан мурожаати кўриб чиқилмаслиги тушунтирилади.

5. Сифатини таъминлаш

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ички ишлар органларига мурожаатларини амалга оширишлари учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек уларнинг хукуқлари, эркинликлари ва манфаатларини самарали таъминлаш.

5.2. Сифатсиз хизматдан шикоят этиш

Кўрсатилган хизматдан қониқиши хосил қилинмаганида, Жисмоний ва юридик шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш хукуқига эга.